

Амир Темур салтанатининг ташкил топиши ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни

Тарих фанлари доктори, профессор Ўлжаева Шоҳиста

Режа

- 1. Мовароуннаҳрда сиёсий парокандалик.*
- 2. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва унинг ҳарбий юришлари.*
- 3. Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни*
- 4. Амир Темурнинг бунёдкорлик фаолияти*

Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз



**Биз ким – малики Турон амири Туркистонмиз.
Биз ким – миллатларнинг энг қадими
ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз.**

АМИР ТЕМУР

Амир Темур – буюк давлат асосчиси

Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш,
тадбир ва машварат, қолган бир улушни қилич
билан амалга оширдим

АМИР ТЕМУР

Амир Темур ибн Тўрағай Баҳодур 1336 йил 9 апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хожа Илғор қишлоғида таваллуд топган. Оналари Такина хотун, Бухоро садр аш-шаъриасининг қизи;

Соҳибқирон Амир Темур ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси илм-фан ва маданият ҳомийси;

Амир Темур Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгизга қадар, Сирдарё ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадар ғоят катта ҳудудни қамраб олган марказлашган улкан салтанатга асос солган. Бундан ташқари Амир Темур давлатига Кичик Осиё Сурия, Миср ва шимолий-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари; шимолий-шарқда Балхаш кўли ва Или дарёсигача; жанубий-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатлар бўйсундирилган;

Амир Темур ўзининг илк ҳарбий фаолиятини қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган; уларнинг ўзаро курашларига қатнашиб, жасорат кўрсатган, жангларда чиниққан, ҳарбий маҳоратини оширган;

У асосан XIV аср 60-йиллар ўрталарида ўз сиёсий фаолиятини бошлаган, мамлакатда ҳукм сурган тарқоқлик ва мўғул зулмига зарба бериш мақсадини илгари сурган;

Амир Темур – буюк давлат асосчиси

Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш,
тадбир ва машварат, қолган бир улушни қилич билан
амалга оширдим

АМИР ТЕМУР

- * 1336 йил 9 апрел–Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун.
- * Соҳибқирон Амир Темур ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси илм-фан ва маданият ҳомийси;
- * Амир Темур мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темур ва унинг ўғли Илёсхожага қарши фаол курашлар олиб борган;
- * 1365 йилда 22 майда “Лой жанги” бўлиб ўтган;
- * 1370 йил 10 апрелда Амир Темур Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори бўлиб, тахтга ўтирган.

- * Амир Темур мўғул ҳукмдори Туғлуқ Темур ва унинг ўғли Илёсхожага қарши фаол курашлар олиб борган;
- * 1365 йилда Тошкент ва Чиноз оралиғида мўғуллар билан олиб борган йирик жанги “Лой жанги” номи билан тарихда қолган;
- * 1370 йил 10 апрелда Амир Темур Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори бўлиб, тахтга ўтиради;
- * Амир Темур давлатига икки хавф мавжуд эди: биринчиси маҳаллий ҳукмдорларнинг бошбошдоқлиги, иккинчиси мўғуллар хавфи;
- * Мўғулистон билан Оқ Ўрда ҳукмдорлари Фарғона водийсининг шарқи, Утروق, Ясси (Туркистон) ва Сайрам шаҳарларига хавф солиб, бу ҳудудларга тез-тез ҳужум қилар ва аҳолини талон-тарож қиларди;
- * Амир Темур исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди;
- * Шибирғон вилояти бўйсундирилган;
- * Хоразмни Амир Темур Чигатой улусининг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни ўз давлатига қўшиб олиш сиёсатини тутди;
- * Амир Темур Хоразм сўфийларига қарши беш марта юриш қилди ва 1388 йилда унинг ҳудудлари Амир Темур давлатига бўйсундирилди;
- * Йигирма йил (1371-90) мобайнида Соҳибқирон Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозонди.

Амир Темур томонидан марказлашган қудратли давлатга асос солиниши

- 1361-1365 йиллар Мўғулистон хони Туғлуқ Темур ва унинг ўғли Илёсхўжага қарши уруш;
- 1370-йили Амир Хусайнга қарши Балхга юриш ва уни бартараф этиш;
- 1370-1371-йилларда Фарғона, Ўтрор, Ясси, Тошкент, Хисор, Бадахшон, Қундуз бўйсундирилди.

- 1381-йили Хирот, Сеистон, Мозандарон, Сарахс, Жом, Кавсия, Сабзавор бўйсундирилди;
- 1371-1389-йилларда жами 7 марта Мўғулистон ҳукмдорларига қарши курашди ва бўйсундирди;
- 1371, 1373, 1375, 1379, 1388-йилларда Хоразмдаги сўфийлар сулоласи ҳукмдорлари: Хусайн, Юсуф ва Сулаймон Сўфийларга қарши кураш олиб борди;
- Хоразмни ўз давлати ҳудудига қўшиб олди.

Амир Темур фаолиятининг икки босқичи

1- БОСҚИЧ

1370-1386 мўғул зулмига барҳам берилган, мамлакат ягона давлатга бирлаштирилган, давлат бошқарув асосларини кучайтирувчи ички сиёсат олиб борилган.

2. БОСҚИЧ

1386 - 1405 мамлакатнинг салтанатга айланиш даври. 27 давлат бирлаштирилади. Давлатнинг обрўси ошиб Шарқнинг энг қудратли салтанатига айланади.

ОЛТИН ЎРДАГА ҚАРШИ КУРАШ

Амир Темур шу билан бирга шимолий-ғарбдан, яъни Олтин Ўрта томонидан бўлаётган тазйиққа барҳам бериш мақсадида Тўхтамишга қарши уч марта кўшин тортишга мажбур бўлди

1-жанг 1389 йилда Дизак (Жиззак)нинг Аччиқ мавзеида бўлиб ўтган

2-жанг 1391 йилнинг 18 июнида (ҳозирги Самара билан Чистополь шаҳарлари оралиғида жойлашган Қундузча (Кондурча) дарёси водийсида бўлган

3-жанг 1395 йилнинг 28 феврилида Шимолий Кавказда Терек дарёси бўйида Тўхтамиш кўшинига қақшатқич зарба беради

Амир Темур ҳарбий юришлари оқибатида Қуйи Идил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, Саройчик ва Ҳожитархон (Астрахон) каби шаҳарлар вайрон қилинди

Амир Темур Тўхтамишни қувиб Рязань вилоятигача борди ва Елец шаҳрини ишғол қилди

Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси фақат Марказий Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек, тарқоқ Русь князликларнинг бирлашиши учун ҳам буюк аҳамият касб этган

Амир Темурнинг ташқи юришлари

1381 — 84 йиллар давомида Амир Темур Эроннинг катта қисмини эгаллади. Аввал (1381) Калот, Туршиз ва Сабзавор, кейин (1383) Сеистоннинг Зирех. Зова, Фараҳ ва Буст қалъалари, 1384 йилда Астробод вилояти ва Озарбайжоннинг Омул, Сори, Султония ва Табриз шаҳарлари бўйсундирилди

1371, 1373, 1375, 1379, 1388-йилларда Хоразмга қарши беш марта юриш қилди ва уни бўйсундирди. 1371-1389-йилларда Мўғулистон бўйсундирилган

«Уч йиллик» (1386 - 88) ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озарбайжон, Ироқнинг шим қисми. Гуржистон ва Ван кўли атрофидаги ерлар эгалланди.

Амир Темурнинг ташқи юришлари

Амир Темур бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осий ва Ҳиндистон ерларини узил-кесил забт этишга қаратди. У «**беш йиллик**» (1392 — 96) уруш давомида Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллади, натижада музаффарийлар ва жалоирийлар ҳукмронлиги барҳам топди

Амир Темур 1398-1399 йилларда Ҳиндистонни забт этган

Амир Темурнинг 1399 — 1404 йилларда олиб борган «**етти йиллик**» ҳарбий юришлари натижасида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Баалбек (Баъалбак), Димишқ (Дамашқ) каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси (қад. Каппадокия) билан Бағдод, шунингдек Туркиянинг катта қисми забт этилади. Анқара жангида Амир Темур жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири Боязид Йилдирим устидан ғалаба қозонди

Амир Темурнинг энг йирик ҳарбий юришлари

ОЛТИН ЎРДАГА ҚАРШИ ЮРИШЛАР:

- Биринчи марта 1389
- Иккинчи марта 1391-
Қундузча жанги
- Учинчи марта 1394-
1395 Шимолий
Кавказдаги Терек
дарёси бўйидаги жанг

•1371, 1373, 1375, 1379,
1388-йилларда
Хоразмдаги сўфийлар
сулоласи хукмдорларига
қарши кураш

ЭРОНГА ҚАРШИ ЮРИШЛАР:

- уч йиллик юриш-1386-
88 (Эрон, Озарбайжон,
Грузия, Арманистон)
1387 Исфахон
- беш йиллик юриш-
1392-1396
- етти йиллик юриш-
1399-1404

1398-1399 -
Ҳиндистон юриши

•1402 йил Анқара
жанги. Бу жанг XV
асрнинг энг йирик
урушларидан
биридир. Амир
Темур ўз
даврининг энг
кучли подшоси
бўлган Боязид
Елдирирни
мағлуб этган.

АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИНИНГ МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВИ





АМИР ТЕМУР ДАВЛАТИ XIV асрнинг 70-ЙИЛЛАРИ-XV аср БОШЛАРИДА



Амир Темурнинг тарихдаги хизматлари

- * Соҳибқирон Амир Темур тарихимизнинг оғир замонида дунёга келган. У ёшлигиданоқ ватанимиздаги инқирозлар, тарқоқликлар ва ҳар лаҳзада юришлар бўлиши мумкин бўлган нотинч замонларда яшаган ва бу воқеалар албатта уни ларзага солган. Унда мавжуд ноҳақлик ва зулмларга қарши катта нафрат уйғонган. Узи подшоҳнинг ўғли бўлмагани ҳолда ўта хавфли ва мураккаб шароитларда эҳтиёткорона ҳатти-ҳаракатлар билан сиёсат майдонига кириб кела бошлаган.
- * Ўша даврда ўз ҳудудларида туб қўйиб палак ёзган қайси маҳаллий ҳоким ёки тиш-тирноғигача қуролланган золим босқинчилар Амир Темурга тахт тизгинини бериб қўйиши мумкин эди? Улар Амир Темурни ўлдириш учун ўзаро мактулар ёзишиб ундан қутулиш чораларини кўрган. Амир Темур гоҳ қабристонда, гоҳ чўлда, гоҳ тоғда ва бошқа жойларда жон сақлаб қўшин тўплашга ҳаракат қилган. У ўз фаолиятини бир нечта отлик қўшин тўплаш билан бошлаганди.

Амир Темур – буюк давлат асосчиси

- * Амир Темур Евроосиёни бирлаштирган, бирлашган ҳудудларда тинчлик-омонлик, адолат ўрнатган ва тараққиёт эшигини очган буюк давлат арбобидир. Унинг давлатида мўғуллар даврида ҳукм сурган инқироз ва бошбошдоқликлар барҳам топди, турли минтақаларда яшаб келган халқлар ўзларини ягона маконда эканлигини ҳис этди.
- * Унинг даврида золимларнинг зулмига чек қўйилди, бутун салтанат ҳудудида қонун устуворлиги ва адолат ўрнатилди. Илгари карвон ва ҳаж йўлларига чиқиб кетган одамлар юртига йиллаб келолмас, улар йўлларда асосан Эрон, Ироқ ва бошқа ерларда қалъаларга жойлашиб олган қароқчилар томонидан таланар ва ҳатто ўлдирилар эди. Бир сўз билан айтганда, халқаро савдо алоқалари ва давлатлараро дипломатик алоқалар жуда паст даражага тушиб кетган эди. Буюк ипак йўли абгор бўлган. Камига мўғуллар энг катта йўлларни шимолга кўчирган эди. Амир Темур Буюк ипак йўлини қайта таъмирлади, эски йўлларни қайтарди ва савдо-сотик ва ҳожилар учун катта имкон яратилди. Қисқа вақт ичида Самарқандда 500 хил ҳунармандчилик турлари бор эди. Улар ички ва ташқи бозор учун тинмай маҳсулотлар тайёрлар эдилар. Хитойдан 750 туяли карвон келганлиги ҳақида Клавихо хабар берган эди. Бундай савдо айланмаси мамлактадаги ишлаб чиқаришни ривожланишига сабаб бўлар ва халқаро савдо-сотик алмашинуви кундан-кунга ривож топиб борар эди.

- * У шарқона демократияни йўлга қўйган улуғ ҳукмдор эди. Қурултойларда ўз амалдорлари, маъмурларининг фикрини эшитарди ва шунга асосан қарорлар қабул қиларди. У халқ вакилларига фикр билдириш учун имкон яратганди ва кўпинча талаб-таклифлар инобатга олинарди. "Соҳибқирон" - "энг бахтли юлдуз эгаси" демакдир. У 800 йилда бир туғиладиган буюк инсонлардан бири сифатида тарих зарварақларида битилган.
- * Соҳибқирон ёшлигидан "подшоҳ-вазир" ўйинлари, чавандозлик, қиличбозлик, "уруш-уруш" ўйинларини ўйнаб улар орқали ўзининг келгуси стратегия ва тактикаларини шакллантириб борганди. Болаликда олган билимлар инсон ҳаётида нақадар катта рол ўйнашини Амир Темури мисолида кўрмоқдамиз. У билимга чанқок, дангасаликдан йироқ бўлган, бир соат вақтини бекорга сарфламайдиган ишдаткор инсон эди. Унинг ахлоқи, ҳатти-ҳаракатлари ҳар биримизга ибрат мактабидир. У ўйнаган ўйинлар унинг ҳарбий тактика ва стратегияларига замин бўлиб хизмат қилганди. У илгари чўпда подшоҳ-вазир ўйинини ўйнаган бўлса кейинчалик ростдан ҳам подшоҳлик мақомида вазирлари билан гўзал ва адолатли муносабатлар ўрнатиб ёшлигидаги каби родини ҳаётда бажара бошлаганди.

* Ота-онаси иймони бутун мусулмонлар бўлиб, ўз фарзанди Темурбеукни ҳар томонлама мукамал инсон бўлиб етишишлари учун катта куч сарфлагандилар. Зеро ростдан ҳам инсон ўзининг ҳар бир ҳатти-ҳаракати учун жавоб бериши тайиндир. Соҳибқироннинг паъдари бузруквори ўз фарзандига инсонларга адолатли ва меҳрибон бўлиш, мазлумларни золимлардан ҳимоя қилиш ҳақида муттасил тушунчалар бериб борганлар. Амир Темур палаги тоза ота-онанинг фарзанди эди. Исломий маданият Амир Темур шахсининг гўзал арконидир. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз мадрасада ўқиб турли фанлар, аввало Қуръон илмини ўрганган. Ислом тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданият тарихларини ўрганган ва унинг келгусидаги қарашлари, ахлоқий фазилатлари ана шу фанлар орқали шаклланиб борган. Унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси, лидер сифатида минтақалардаги мувофиқлаштирувчилик фаолияти хали фанимизда ўрганилмаган.

- * Амир Темур салтанатининг у бошидан бу бошига қадар бир отлиқ 9 ойда етиб бориши мумкин экан.
- * Амир Темур аввало ўзи яшаётган муҳитнинг бўшлиқларини яхши билган. Зарур бўлганда душман хизматига кирган ва уни ичдан қулатиб мамлакатдан уларнинг кетишига катта замин яратган.
- * Мамлакатда мавжуд бўлган мўғуллар ва урушқоқ ҳокимларнинг зулмини йўқ қилиб, Мовароуннаҳрда ягона, марказлашган давлат барпо этган. Мўғуллар даврида бузиб ташланган ирригация иншоотлари, шаҳар қалъалари ва бошқа иморатлар, ерлар тикланган, янгилари очилган ва мамлакатда катта ривожланишлар даври бошланган. Амир Темур иқтисодиётни кўтариш учун тадбиркорликка катта имкониятлар яратган, ким иш очмоқчи бўлса моддий қўллаб-қувватлаган, солиқ олишда мўътадиллик ва адолат ўрнатилган.

* Самарқандда, Кешда, мамлакатнинг турли ерларида меъморий қурилишлар, афсонавий боғ-роғлар, йўллар, мадраса-масжидлар, касалхоналар қурилиб, Буюк ипак йўлларининг ёмхоналари тикланиб, янгилари қурилиб ҳожилар, савдогарлар, сайёҳлар, дипломатларнинг бемалол ҳаракатланишлари учун мустаҳкам тизим яратган. Илгари ўз шаҳар-қалъаларидан ташқарига чиқиш муаммо бўлган бўлса, энди болакай бир тобоқ олтин билан салтанатнинг у четидан бу четига юрса биров тега олмайдиган қонун устворлиги ўрнатилган. Мамлакат садогарлари Қрим, Константинопол, Европа мамлакатларида ва бошқа ҳудудларда бемалол ҳаракатланди. Кемаларда-сув йўллари орқали ҳам савдо ишлари йўлга қўйилди. Самарқан турли миллатлар бирлашган Бирлашган миллатлар ташкилотига айланди. Бу ерга Шарқнинг энг машҳур уста-ҳунармандлари, олимлари, саркардалари, уламолари ва бошқа пешқадам инсонлари жамланди. Самарқанд дунё халқларини бирлаштирган муҳим халқага айланади.

* Ўша даврдан қолган баъзи қурилишлар уларнинг нақадар гўзал ва эртақмонанд эканлигини кўрсатиб туради. Айниқса унинг боғлари чуқур ўрганилишга муҳтож. Клавихо Самарқанд ва унинг атрофини кўриб "уни ўрмон ичидаги шаҳар" эканлигини ёзиб қолдирганди.

* Амир Темур даврида аждодларимизнинг бағрига шамол тегди. Маҳаллий зўравонлар ва ажнабийлар зулмига чек қўйилди. Евроосиё карвон йўлларида ин қуриб олган золимлар, зўравон, қароқчилар зулмига чек қўйилди, уларинг қўллари кесилди. Турли элат ва халқлар ўзларини ягона маконда ва хавфсиз замонда яшаётганлари ҳис этишди. Бу воқеалар ўша замон кишиларин нечоғли хурсанд қилганини тасаввур этиш қийин эмас. Амир Темур қурган Турон давлати Ғарб ва Шарқнинг таянч нуқтасига айланди. Евроосиё халқлари тинч-фаровон яшай бошлади. Энди уларда ишонч, ўзаро товар алмашилиши, ҳажга отланишлари ва бошқа мақсадларини амалга ошириш учун катта имкониятлар яратилади.

* Амир Темурнинг лидер сифатидаги роли хали тарихида очиб берилмаган. Илгари "тарихни халқ яратади" деган тушунчаларни онгимизга сингдириб келишган. Бунда қандайдир маънода ҳақиқат бор. Халқ бўлмаса ҳеч қайси лидер бирор миссияни бажара олмайди, лекин лидерлар даврида тарихда жуда катта ўзгаришлар амалга оширилгани, улар тарихни буриш лаёқатига эга бўлганлари ҳам рост.

* Амир Темур-мутлоқ ҳукмдор

* Амир Темур Шарқу Ғарб ҳукмдорларига хатлар ёзиб дунёни савдогарлар обод қилиши, уларни ҳар қандай шароитда ҳимояга олинишини қайта-қайта таъкидлади. Натижада барча мамлакатларнинг равнақи ва аввало ички ишлаб чиқариши учун замин яратилди. Карвон йўлларида ҳаракатланадиган тужжорлар гуруҳи пайдо бўлди. Ҳамма карвонларга жой бор эди. Бу ерларда ҳатто Европа савдогарларини, Европада ўзбек савдогарларини кўриш мумкин эди. Улар ҳатто Қримга, рус ерларигача, Хитойгача, бугунги Туркиягача етиб борар эди.

* Амир Темур-мутлоқ ҳукмдор

- * Соҳибқирон Амир Темур даврида сиёсатда тенг манфаатли ҳамкорлик, иқтисодий ҳаётда бемисл тараққиёт кузатилди. "Барча тадбиркор бўлсин" ғояси ўша даврда ҳам мавжуд эди. Амир Темур тадбиркорларликка катта йўл очди. Қишлоқ феодаллари эндиликда шаҳарда дўконларга эга бўлиб халқаро савдога қарвонлар жўнатишни бошлади. Товар-пул муносабати ривожланди.
- * Маданиятлараро кўприк ўрнатилди. Барча халқ ва элатлар ҳимоя қилинди. Илм-фан раванқ топди. Ҳамма ерларда масжид, мадраса, кўприк, ҳовуз, касалхона ва бошқа иморатлар қурилди.
- * Том маънода Ренессанс асослари яратилди.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

Суғориш

Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв,
Тус, Ҳирот

Ангор канали
Зарафшон
воҳаси

Улуғбек даври
Сомонжуқ дашти
Бухоро воҳаси

Шоҳруҳ даври:
Султонбанд
тикланди
Марв. Мурғоб

Султон Хусайн даври:
Марвируддин янги
канал

Навоий
Ҳирот ва Машҳад
Туруқбанд сув омбори

Коризларнинг кўриниши



БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ТАРАҚИЁТГА ТАЪСИРИ

қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажарган


Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўртаер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаган

ҳудудлар ўртасида савдо-сотик алоқалари ривожланган, натижада халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожланган.

янги технология ва ишланмаларнинг тез тарқалишида муҳим рол ўйнаган.

цивилизациялараро мулоқот ва технологиялар алмашувига туртки берган.

Буюк Ипак йўли



Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт
қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат
эктирдим

АМИР ТЕМУР

- Амир Темур даврида Ҳиндистон, Шероз, Исфаҳон ва Дамашқнинг машҳур уста-ҳунармандлари мамлакатда ҳашаматли иморату иншоотлар бино қилганлар;
- Амир Темур забт этган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарлари Бағдод, Дарбанд, Байлақонни қайта тиклади ва салтанатнинг барча шаҳару қишлоқларида кенг бунёдкорлик ишларини олиб борди;
- Амир Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара қурдирган бўлса-да, лекин асосий эътиборини она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандга қаратди;
- У салтанат қудратини қурилишларда ифода этган. Унинг қурилишларида Шарқ ва мусулмон дунёсининг тафаккури ўз ифодасини топган. Барча соҳаларда трансформациялашув жараёнлари кечган.

Сарой томи тепасига ишланган ҳовузга сув Тахтақорача довонидан кўрғошин кувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга туширилган



КЕШДАГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан масжид қурдирди

Амир Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободончилигига катта аҳамият берди, бу ерда машҳур ОҚСАРОЙ қад кўтарди

Амир Темур Кешни Мовароуннаҳрнинг маданий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Қуббат ул-илм вал-адаб» унвонига эга бўлди

Сарой томи тепасига ишланган ҳовузга сув Тахтақорача довонидан қўрғошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга туширилган




Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари

Самарқанд унинг қадимий маркази Афросиёбдан Жануброқда бутунлай янгича асосда қурилди.

Шаҳар тевараги мустаҳкам қалъа девори билан ўралди. Шаҳарга кириш тарафларига Оҳанин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сўзангарон ва Феруза каби номлар билан аталувчи олти тарафли дарвоза ўрнатилди.

Ҳуқмдорнинг қароргоҳида ҳашаматли Кўксарой биноси қад кўтарди. У тўрт қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қоплангани учун Кўксарой номини олган.



Кўксарой тоmidан Регистон кўриниши. В.Верешчагин, 1872.



Бибихоним масжиди

Масжид қурилиши 1399 йилнинг май ойидан 1404 йилнинг сентябрь ойигача давом этган.

Қурилишда жами 200 та тош йўнар, 500 нафар тоштарош усталар ишлаган ва 99 та фил тошларни ташиб туришга сафарбар этилган.

Масжидда 10 000 нафар одам жума намозини ўқиган.
Жами у 18 000 квадрат метр майдонни эгаллаган.
Кириш пештоқининг баландлиги 33,5 метр, узунлиги 46 м.



Шоҳизинданинг қайта таъмирланиши ва янги қурилишлар

Амир Темур Қусам ибн Аббос қабри устига ҳашаматли қабртош ўрнаттирди. Янги масжид ҳам барпо қилинди. Қуйидагилар барпо этилди:

- Шодимулк Оқо мақбараси
- Туғли Текин мақбараси
- Амирзода мақбараси
- Ширинбека Оқо мақбараси (XIV-XV асрлар)
- Саккиз қиррали мақбара
- Амир Бурундуқ мақбараси (XIV АСР 80 йиллари)
- Туман Оқо мажмуаси (XIV аср)







